

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10541228>

Алпысбаева Шахноза Саламат кизи

Тошкент молия институти талабаси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда рақамли банкларни ривожлантириш истиқболлари, рақамли технологияларнинг Ўзбекистон банк-молия тизимиға таъсири ўрганилган. Рақамли банклар фаолиятини такомиллаштиришнинг асоси бўлиб, молия кредит муассасаларининг самарали мижозга йўналтирилган рақамли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Мақолада рақамли банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган турли ёндашувлар тадқиқ қилинган ва муаллифнинг илмий ва амалий хуносалари шакллантирилган.

Калит сўзлар: рақамли банк, банк тизими, финтек технологиялар, рақамли трансформация, молия-кредит ташкилотлари, рақамли технологиялар, рақамли стратегия.

Abstract: *The article examines the prospects for the development of digital banks in Uzbekistan, the impact of digital technologies on the banking and financial system of Uzbekistan. The basis for improving the activities of digital banks is the development and implementation of an effective customer-oriented digital strategy of financial credit institutions. In the article, various approaches aimed at developing the activities of digital banks are researched and the author's scientific and practical conclusions are formed.*

Keywords: *digital banking, banking system, fintech technologies, digital transformation, financial and credit organizations, digital technologies, digital strategy.*

КИРИШ

Бугунги инновациялар ва энг сўнгги технологияларнинг ривожланиши даврида рақамли банклар ҳам катта суръатлар билан ривожланмоқда. Анъанавий банк ишидан фарқли тарзда Финтех технологик инновациялари орқаали мижозларга хизмат кўрсатиш зарурат ортган.

Республикамиз банк тизимида жами 33 та тижорат банклари фаолият юритаётган бўлса шуларнинг учтаси яъни “ANOR BANK” акциядорлик жамияти, ТБС банк ва Апельсин банклар рақамли банклар сирасига киради[11].

“ANOR BANK” акциядорлик жамияти фаолияти мижоз ва банк ўртасидаги муносабатларнинг одатий моделини тубдан ўзгартиришга қаратилиб, инновацион чакана маҳсулотларни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги форматини жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистондаги биринчи рақамли банк сифатида тарихга кирди.

BANK Apelsin акциядорлик жамиятининг мақсади эса, бутун мамлакат бўйлаб тўлиқ молиявий хизматлар кўрсатувчи Ўзбекистоннинг замонавий, инновацион ва жадал ривожланаётган банки мавқеини мустаҳкамлашдан иборат.

Шу ўринда, рақамли банк ва анъанавий банк улар қайси жихатлари билан фарқланади деган хақли савол туғилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра банк — банк ҳисобваракларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмuinи амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс ҳисобланади [1]

«Рақамли банк - инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартибларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади».[3]

1) Жорий ҳисобни масофадан туриб онлайн очиш;

Ҳозирги кунда жорий ҳисобни онлайн очиш финтеч компаниялари, нео-банклар ва рақамли банклар учун стандарт функция ҳисобланади. Гарчи бир неча йил олдин, мобил илова орқали ҳисоб очиш имконияти жуда инновацион ҳисобланар эди. Статистик маълумотларига кўра, инсонларнинг 60-70 фоизи молиявий хизматларни онлайн каналлар ёки мобил иловалардан фойдаланиб амалга оширишни афзал кўришади, чунки банк биносига бориб мурожаат қилиш ҳар доим ҳам қулай ва мақбул бўлмай, мижоздан банк филиалига бориши учун вақтни режалаштиришини ҳамда сарфлашини талаб этади бу эса, мижоз учун рақамли банкда фойдаланиладиган жисмоний идентификацияга нисбатан анча ноқулай ҳисобланади.

2) Мижозларга мўлжалланган шахсийлаштирилган хизматларни яратиш;

Финтеч дунёсида такомиллаштирилган мижозлар тажрибаси молиявий институтларни анъанавий банклардан чинакамига ажратиб турадиган мижозларга шахсий ёндашув билан белгиланади.

Анъанавий банклардан фарқли равишда молиявий технологиялар дунёсида банк мижозлари шахсий кабинет орқали айнан бир банк хизматларидан узоқ давр мобайнида банк билан мулоқотда бўлиб, банк хизматларидан тез-тез фойдаланишлари кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида банкка мижозларни жалб қилиш масаласини бирмунча енгиллаштиради.

3) Банкда мижозга сунъий интеллектдан фойдаланиб хизмат кўрсатиш;

Сунъий интеллект кўплаб рақамли банк ечимларининг ажралмас қисмига айланди. У имтиёзлар ва қизиқишлиар, демография ёки транзакция маълумотлари каби мижозлар маълумотларини бошқариш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу маълумотлар таҳлил қилиниши ва кейин мижозлар тажрибасини яхшилаш учун

ишлатилиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, мижозлар ўзларининг одатлари ва афзалликларига қараб ўзларига зарур хизматлардан фойдаланишади.

4) Рақамли банкларда булути технологиялардан фойдаланиш;

Якуний фойдаланувчилар учун онлайн иловалардан ташқари, банк технологиялари ҳам онлайн, булути тарзда мавжуд бўлди.

Рақамли технологиялар бутун дунё бўйлаб тўловлар, кредитлаш, сұғурта ва активларни бошқаришни қайта шакллантириб, молиявий ҳизматлар истеъмолчилари учун асосий воситага айланмоқда.

Рақамли молиявий ҳизматлар ва молиявий технологиялар бутун дунёда сезиларли ўзгаришларга олиб келди:

2024 йилга келиб рақамли банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг сони 3,6 миллиарддан ортиши кутилмоқда. (Juniper Research, 2020).

Ривожланаётган мамлакатларда тўловларни рақамли шаклда жўнатувчи ва қабул қилувчи ҳисоб эгаларининг улуши 2014 йилдаги 57 фоиздан 2017 йилда 70 фоизгача ошган (Findex 2017).

39 фоиз компаниялар биринчи навбатда молиявий технологияларни жорий этишга эътибор қаратишмоқда. (JDSpura, 2020).

Бироқ, ушбу ҳолатларда молиявий фирибгарлик ва хавлар сезиларли даражада ошиб, фуқароларнинг айрим тоифалари учун анъанавий тарзда тақдим этиладиган ҳизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклаши мумкин.

Сўнгги йилларда ушбу хавфлар ортиб бораётгани ҳақида аниқ далиллар мавжуд бўлиб, айниқса COVID-19 пандемияси каби инқирозлар ушбу хавфларни янада кучайтирди. Адолатли рақамли молиялаштиришга эришиш учун барчадан глобал даражада ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилган ҳолда ёндашувни талаб этади [8].

Рақамли молиявий ҳизматларнинг тез ривожланаётган ва мураккаб характери истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга асосланган инновацион тартиби солиш ёндашувларига эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли трансформация дунё бизнесининг рақамли иқтисодиёт жамиятининг янги шартлари ва афзалликларига мослаша бошлаган муқаррар жараён бўлиб, рақамли технологияни татбиқ этиш орқали жамиятда инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, қурайликлар яратиш ва сифатини оширишга ҳизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, “Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш”[2] вазифаси белгиланган.

Рақамли банклар ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида хорижий ва махаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Жумладан, Россиялик иқтисодчи олим Лаврушин О.И.нинг фикрича “Глобаллашув шароитида банклар рақамли технологиялардан унумли фойдаланиши ҳисобида рақобатбардошликка дош бериши мумкин. У йирик банкларнинг бизнес моделларини трансформациялаш кўпроқ ахборот технологияларидан фойдаланиш ва самарадорликни ўз ичига олган янги стратегик йўналишларда мижозларга қулай хизмат кўрсатишга мослашган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.[4]

Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М.лар “Рақамлаштириш атамаси ахборотни рақамли шаклга айлантиришни англатади. Бироқ, бизнесда

рақамлаштириш одатда операцион моделлардаги ўзгаришларнинг икки турини англатади. Биринчиси, алоқаларни рақамли каналларга ўтказиш, иккинчиси - одатий операцияларни автоматлаштириш. Ушбу ўзгаришлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ[5]”деб ҳисоблашади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим академик С.С.Ғуломовнинг фикрича “Рақамли бизнес бу – жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлиши”дир [6].

Иқтисодчи олимларимиз, Р.Ҳ. Аюпов ва Г.Р. Болтабоевалар “Рақамли иқтисод - хўжалик юритишнинг янги замонавий шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий фактори сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуюи ва уларни қайта ишлаш жараёни ҳизмат қилади”, деб таърифлашади [7].

Шу билан бирга мазкур иқтисодчилар, “Рақамли банк ҳизматлари инсонлар ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига, биринчи навбатда, мобил қурилмалар, ижтимоий тармоқлар, ахборот сервислари, электрон тижорат, интернет-савдо ва бошқаларга кириб боришда кузатилади [7].

Рақамли банк ўз мижозларига рақамли каналлардан фойдаланган ҳолда турли хилдаги рақамли кўринишдаги маҳсулот ва ҳизматларни таклиф қилади. Бундай банк инфратузилмаси рақамли коммуникациялар учун оптималлаштирилган бўлиб, бундай банкларнинг асосий вазифалари қаторига мижознинг ҳисобрақамлари ҳолати ва амалга ошириган операциялар ҳақида уни тезкорлик билан ҳабардор қилиш, унинг учун энг яқин бўлган банк бўлинмаси, банкомат, алмашинув пункти ёки автокиоск излаб топиш киради [10].

Фикримизча, юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг фикрларини инобатга олиб, рақамли банклар фаолияти мижозларнинг эҳтиёжларини синчковлик билан ўрганиш ва мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш орқали, мижозга йўналтирилган янги инновацион стратегияни ишлаб чиқишга асосланиши керак деб ҳисоблаймиз.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва графиклар, амалий тахлилий маълумотларни таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гурӯхлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- рақамли иқтисодиёт, банк соҳасини трансформациялаш борасидаги айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди;

-ахборот технологиялар ва коммуникацияни ривожлантирган ҳолда ахолига сифатли банк хизматларини онлайн шаклда тақдим этишнинг инновацион янги турларини жорий қилиш;

- рақамли банк молиявий хизматларни мобил ва онлайн-платформалар орқали амалга оширишда вақт ва харажатларни тежаш, шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ошириш.

-банк тизимида ходимлар фаолиятини KPI тизими орқали баҳолаш ва назоратини олиб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ёки аксинча.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда, Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020—2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси

тўғрисида”ги фармонига асосан ҳозирда 6 та тижорат банки – “Ипотекабанк”, “Саноатқурилишбанк”, “Туронбанк”, “Асакабанк”, “Алоқабанк” ва “Агробанк” молиявий диагностика асосида истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”га асосан 3 та халқаро молия институти (ХМК, ЕТТБ ва ОТБ) ҳамда KPMG, PWC Ernst&Young ва McKinsey каби хорижий консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш жараёнлари давом эттирилмоқда.[11]

Тижорат банкларини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилишдан кутилаётган асосий натижалардан бири банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда қатор тижорат банкларида давлат улушини камайтириш, фаолиятга халқаро тажрибани олиб киришdir.

Давлат банкларини трансформация қилишнинг асосий йўналишларидан бири айнан IT соҳасини ривожлантириш ҳисобланади, шу билан бирга банк тизимини рақамли трансформацияларни кўзланган мақсад, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган функцияларни бажаришдан, шунингдек, ортиқча юкламалардан озод қилиш орқали маъмурӣ юкни изчиллик билан бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизмати турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.

Банкларда ижроия органлари фаолиятининг сифати ва натижадорлигини баҳолаш учун давлат улуши мавжуд бўлган 10 та банқда “самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари” (KPI) ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган[9].

Бу борада, янги бизнес моделлардан келиб чиқиб, банклардаги бир-бирининг вазифаларини такрорловчи таркибий бўлинмалар оптималлаштирилиб, банк ташкилий структурасида чакана блок, кичик бизнес блоки, корпоратив блок, ризк блоки каби ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, банкларда замонавий ризк-менежмент тизимини жорий этишга қаратилган ишлар жадаллаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кредит бўйича мурожаатларини ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқиши таъминлаш мақсадида кредит ажратишнинг андеррайтинг ва скоринг тизимлари жорий этилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатиш сифати ва тартибини оптималлаштирадиган, жисмоний шахс тўғрисидаги ишончли ва батафсил маълумотларни автоматик тарзда йиғиши таъминловчи фойдаланувчиларни масофавий биометрик идентификация қилиш тизими жорий этилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик масалалардандир.

Ҳозирги кунда жамоат транспортида тўловларни амалга оширишда банк ва транспорт карталаридан фойдаланган ҳолда kontaktсиз тўлов тизими жорий этилган бўлиб, бу хизмат оммабоп ва қулайлиги учун жуда тез ривожланмоқда.

Банк карталари асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, банк хизматлари истеъмолчиларига кўрсатилаётган хизматларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тақомиллаштирилди. Хусусан:

- банк карталарига оид муносабатларни тартибга солувчи бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисида”ги низомга бирлаштириш орқали ягона ҳужжат сифатида шакллантирилди;

- жисмоний шахсларни рақамли идентификация қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

Банклар томонидан мижозларга қулай шароитлар яратиш мақсадида мавжуд инфратузилмани ривожлантириш асосида замонавий тўлов хизматларини жорий этиб, мобил қурилмаларда ўрнатилган HumoPay технологиясидан (ApplePay ёки GooglePay'га ўхшаш) банк картасисиз савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида NFC тўловларини амалга ошириш йўлга қўйилди.


Бундан ташқари, 2020 йилда Марказий банк томонидан тезкор QR-online тўлов тизими ишга туширилди, бу эса тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга QR -код орқали тўловларни қабул қилишининг қўшимча имкониятларини (POS-терминалдан ташқари) тақдим этди.

“Tap-to-phone” технологияси тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларни NFC орқали смартфон орқали тўловларни қабул қилишларига хизмат қилмоқда. Тизим веб-хизматлар технологияси асосида қурилган бўлиб, у 24/7 кун давомида масофавий банк тизимлари орқали банклараро тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Бүгунги кунда республикадаги барча тижорат банклари Тезкор түловлар тизимиға уланган бўлиб, масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ишлаётган барча мижозларга ушбу янги тизимдан фойдаланиш имконияти тўлиқ яратилган.




1-расм. Марказий банк Тезкор түловлар тизимида амалга оширилган транзакциялар тўғрисида маълумот [9]



2-расм. QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони [9]

Ушбу тизимдан амалга оширилган жами транзакциялар сонининг 14 фоизи кечки/тунги вақтда амалга оширилган операциялар ҳисобига тўғри келди.

2021 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони 2020 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ортиб 92 минг донага етган.



З-расм. QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони [9]

2021 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2020 йилга нисбатан 4 баробарга ошиб, 11,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Натижада, 2021 йилда kontaktсиз тўлов технологиялари билан қамраб олиш даражаси 40 фоизга етган.

2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мобил хизматларни кўрсатишда рақамли идентификация қилиш механизми (Face ID) яратилди. Ҳозирги кунга келиб, ушбу технологиядан 11 та тижорат банки, 4 та тўлов ташкилоти ва 4 та маркетплейс

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “Тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизликни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Марказий банк тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши таъсирчан чоралар кўриш бўйича мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти таркибида “CERT-CBU” киберхавфсизлик маркази ўз фаолиятини бошлади.

“CERT-CBU” маркази зиммасига, тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш, олдини олиш, уларга қарши таъсирчан чоралар кўриш, содир бўлган киберхавфсизлик инцидентлари оқибатларининг бартараф этилишини назорат қилиш, киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш вазифалари белгиланди.[11]

Умуман олганда, республикамиз банк тизимида рақамли трансформация жараёнларининг жадаллаши, банклар томонидан ахоли ва банк мижозларига молиявий хизматларни сифатли, тезкор ва қулай равишда кўрсатишни таъминлаш, ҳамда банк операцион харажатларини камайишига хизмат қиласди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда трансформация жараёнида рақамли банкларни ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши жоиз деб ҳисоблаймиз:

1. Банкларнинг фаолиятини иш услубини ўзгартериш, бунда мижозларга йўналтирилган ўз стратегиясини ишлаб чиқиш;
2. Банклар кердит портфелидаги муаммоли кредитларни танқидий ўрганиш, бу борада банкнинг олис худудларидағи мижозларининг ҳам молиявий аҳолини тахлил қилиш, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш;
3. Ахборот технологиялар ва коммуникацияни ривожлантирган ҳолда ахолига сифатли банк хизматларини онлайн шаклда тақдим этишнинг инновацион янги турларини жорий қилишни янада такомиллаштириш;
4. Рақамли банкинг молиявий хизматларни мобил ва онлайн-платформалар орқали амалга оширишда вақт ва харажатларни тежаш, шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини оширишни таъминлаш;
5. Пандемия даврида молиявий ахволи ёмонлашган хўжалик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун маблағлар ажратиш ва бу орқали иш ўринларини тиклаш, республикамида камбағалликни қисқартиришга қаратилган чораларни кўриш;
6. Банк тизимида корупцияга қарши курашишда самарали механизмни яратиш.
7. Банк тизимида ходимлар фаолиятини КРІ тизими орқали баҳолаш ва назоратини олиб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ёки аксинча;
8. Дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришда қуий қатламларгача ўрганиш ва чуқур тахлил қилиш, мавжуд муаммоларни жойига чиқиб аниқлаш, ечимини изчил ташкил қилиш, амалга ошириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон 1-боб 3- модда <https://lex.uz/docs/4581969>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Марказий банк Бошқарувининг 28.09.2019 й. 24/6-сон "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори (АВ томонидан 31.10.2019 й. 2014-17-сон билан рўйхатга олинган)
4. Лаврушин О.И. д.э.н., профессор, руководитель Департамента финансовых рынков и банков, Финансовый университет. Статья на тему Новые явления в регулировании и бизнес-модели коммерческих

банков. <https://cyberleninka.ru/article/n/novye-yavleniya-v-regulirovaniii-i-biznes-modeli-kommercheskih-bankov>

5. Абдрахманова Г. И., Вишневский К. О., Гохберг Л. М. и др. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение: доклад к XX Апр. междунар. науч. конф. по проблемам развития экономики и общества, Москва, 9-12 апр. 2019 г. М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2019. 82 с.

6. Gulyamov S. S. va boshq. Raqamli iqtisodiyotda blokchyeyn texnologiyalari.O'quv qo'llanma 21-22 betlar .TMI 2019 yil -447 bet.

7. Р.Х. Аюпов, Г.Р. Болтабоева. Рақамли иқтисодиёт асослари. Дарслик. Т.: ТМИ, 2020, 575 бет.

8. www.consumersinternational.org- Consumers International Англия ва Уэльсда(№ 04337865), МЧЖ сифатида рўйхатдан ўтган нотижорат компаниясининг расмий сайти.

9.

https://cbu.uz/upload/medialibrary/ca1/Markaziy_bankning_2021_yil_uchun_hisoboti.pdf 66-бет

10. Азларова А. А. Абдурахманова М. М. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда тижорат банклари хизматларининг ўрни. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2019 yil

11. <https://cbu.uz/oz/>- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари

12. Xayrulla o'g'li I. T. PARTISIPATOR BYUDJETLASHTIRISH FUQAROLARNING BYUDJET JARAYONIDAGI ISHTIROKINING SAMARALI MEXANIZMI SIFATIDA //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 228-229.

13. Khoshimov J. FINANCING MECHANISMS OF ISLAMIC FINANCE PROJECTS FROM INVESTMENTS //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 27. – С. 190-195.

14. Butaev, J. "ANALYSIS OF HUMAN CAPITAL INVESTMENT AND ITS SIGNIFICANCE." International Finance and Accounting 2020.5 (2020): 25.

15. Xayrulla o'g'li I. T. BANK-MOLIYA TIZIMINI ISLOH QILISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 23. – С. 372-375.

16. Aktamov B. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BAHOLASH FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI VA UNING TASHKILY-HUQUQIY ASOSLARI //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 12 Part 2. – С. 162-172.

17. Yuldasheva U. A. et al. POSSIBILITIES OF USING THE EXPERIENCE OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES IN DETERMINING AND ANALYZING THE TAX POTENTIAL OF REGIONS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 17-21.

18. Ataniyazov J., Shirinovna S. Blockchain as a new stage in the development of the digital economy of Uzbekistan //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – T. 12. – №. 7.
19. Abdullaevich N. I. THE IMPORTANCE OF THE INVESTMENT CLIMATE IN THE INFLOW OF FOREIGN DIRECT INVESTMENT INTO THE COUNTRY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 16. – C. 260-266.
20. Ataniyazov J. IMPROVING FINANCIAL AND CREDIT MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ENTITIES //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – T. 21. – C. 50-62.
21. Khoshimov J. FINANCING MECHANISMS OF ISLAMIC FINANCE PROJECTS FROM INVESTMENTS //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 27. – С. 190-195.